



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 30 - mart

6411 -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Боғот агро кластер” МЧЖга ижарага ажратиб берилган экин ер майдонларининг бир қисмида янгидан интенсив боғ ташкил қилишга рухсат қилиш тўғрисида

Тумандаги “Боғот агро кластер” МЧЖ раиси Садиков Бахтиёрнинг жамиятга ижарага ажратиб берилган экин ер майдонларининг бир қисмида янгидан интенсив боғ ташкил қилишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган сўровномасини ҳамда фермер хўжаликларига кишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Боғот агро кластер” МЧЖга ижарага ажратиб берилган экин ер майдонларининг бир қисмида янгидан интенсив боғ ташкил қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига кишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Боғот агро кластер” МЧЖга ижарага ажратиб берилган экин ер майдонларининг бир қисмида, яъни Огохий ҳудудидаги **438, 439, 440, 475, 476, 477, 478, 479, 480, 481, 483, 485, 486-контурлардаги умумий ер майдони 46,2 гектар, шундан 41,2 гектар экин ер майдонларида** янгидан интенсив боғ ташкил қилишга рухсат қилинсин.

3. Туманда кишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш шўъбаси (бошлиғи Ш.Норбоев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ер ҳисоботига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг кишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Э.Худайберганов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев